



Кун нафаси



Президент Шавкат Мирзиёев
БМТ Бош Ассамблеясининг
76-сессиясида нутқ сўзлайди

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Шавкат Мирзиёев**
21 сентябрь куни **Бирлашган
Миллатлар Ташкилоти Бош
Ассамблеяси 76-сессиясининг**
юқори даражадаги умумсиёсий
мунозараларида **видеомуро-
жаат билан сўзга чиқади.**

Президент «Ислом тараққиёт
банки ва ОПЕК халқаро та-
раққиёт жамғармаси иштирокида
«Қишлоқ жойларни барқа-
рор ривожлантириш» лойиҳа-
сини амалга ошириш чора-тад-
бирлари тўғрисида»ги қарорга
имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Шавкат Мирзиёев**
20 сентябрь куни Қозоғистон
Республикасининг Биринчи Пре-
зиденти – **Элбоши билан теле-
фон орқали мулоқот қилди.**

Президент **Шавкат Мирзиёев**
20 сентябрь куни таълим, мада-
нийат ва тиббиёт соҳаларидаги
**бунёдкорлик лойиҳалари тақ-
димоти билан танишди.**



Ўзбекистон Республикаси
ташқи ишлар вазирини **Абдулазиз
Комилов** Швеция Қироллиги-
нинг Ўзбекистондаги Фавқулод-
да ва мухтор элчиси (қароргоҳи
Стокгольм шаҳрида) **Ингрид
Терсмани** мамлакатимиздаги
дипломатик миссияси якунлана-
ётгани муносабати билан **қабул
қилди.**



Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
раиси **Зайниддин Низомхўжаев**
бошчилигидаги **Ўзбекистон
делегацияси** жорий йил 17 сен-
тябрдан Россия Федерацияси
Федерал Мажлисининг Давлат
Думасига бўлиб ўтаётган сайлов-
ларда овоз беришни кузатиш жа-
раёнида иштирок этувчи халқаро
(хорижий) кузатувчилар сифати-
да **Москва шаҳрида бўлиб ту-
рибди.**

Саудия Арабистони «Alwaleed
Philanthropies» хайрия жамғарма-
си Ўзбекистонга турли лойиҳалар
учун жами 500 минг доллар бега-
раз ёрдам ажратди.



2021 йил 20 сентябрдан
бошлаб Ўзбекистонда томоша,
маданий-кўнгилочар (театр, ки-
нотеатр, концерт заллари), **омма-
вий тадбирлар ва йиғилишлар-
ни** очик майдонлар ҳамда ёпиқ
мажмуаларда **ўтказишга рухсат
берилди.**

Жорий йилнинг 8-9 октябрь
кунлари **Тошкент шаҳрида**
«ТАҒ» **Тошкент реклама фести-
вали** ўтказилади.

**Тошкент давлат транспорт
университети делегацияси** Фран-
циянинг Тулуза шаҳрида жойлаш-
ган **Франция фуқаро авиацияси
миллий мактабида** бўлди.

Кимё фанлари бўйича Нобель
мукофоти лауреати, турк дунёси-
нинг таниқли олими, АҚШ Мил-
лий Фанлар Академияси аъзоси
**Азиз Санжар «Ипак йўли» ту-
ризм халқаро университети
педагогик жамоаси ва талаба-
лари билан учрашди.**

Мамлакатимиз
ташқи сиёсат
стратегиясида
нуфузли халқаро
ташкилотлар ва
қўшни давлатлар
билан ўзаро ман-
фаатли ҳамкор-
ликни ривожлан-
тириш масаласи
устувор аҳами-
ятга эга бўлиб,
бу борадаги кенг
қўламли саъй-ҳа-
ракатлар нати-
жасида бундай
ҳамкорлик алоқа-
лари кучайиб
бормоқда.

2

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлида

Тошкент
шаҳри

Танлов

Хайрли САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ҲОСИЛАСИ

Кам таъминланган оила-
ларни қўллаб-қувватлаш,
уларга ижтимоий-иқтисо-
дий ёрдам кўрсатиш бугунги
куннинг долзарб масаласига
айланди. Айниқса, хотин-қиз-
лар муаммоларини ўрганиш,
уларнинг ҳаётдан, давлат-
дан рози бўлиб яшашини таъ-
минлаш давлат сиёсати да-
ражасига кўтарилди. Хусусан,
ҳаётбахш ташаббус – «Аёллар
дафтари» тизими амалиётга
таъбиқ этилди. Бунинг сама-
раси ўлароқ, кўплаб опа-син-
гилларимизнинг юзига нур,
хонадонига файз-барака, қу-

вонч-шодлик инмоқда.
Ўзбекистон қасаба уюшма-
лари Федерацияси ташаббуси
билан «Аёллар дафтари» ти-
зими бўйича олиб борилаётган
ишларда фидойилик кўрсатган,
хотин-қизлар муаммосини ҳал
этишда салмоқли ҳисса қўша-
ётган масъул ходимларни му-
носиб рағбатлантириш мақ-
садида «Энг яхши маҳалла
раиси», «Энг яхши сектор раҳ-
бари», «Энг намунали аёл иш
берувчи», «Қасаба уюшмалари
лауреати» мукофоти учун тан-
ловлар ўтказилди.

2



Бу кунлар шукуҳи

**Янги Ўзбекистондаги энг улуғ ишларда мен шундай ҳикматларни кўрдим.
Улар билан фахрландим. Гарчи ёшим улғайиб бораётган бўлса-да, қонимда
ўзгача жўшқинлик – бунёдкорлик туйғуларини сезмоқдаман.
Ватаннинг юксак довлонларини кўрмоқлик бахтига етганимизга шукр!
Ва яна шунини айтмоқчиманки, Янги Ўзбекистонни барчамиз биргаликда бу-
нёд этамиз. Бунинг учун эса эзгу ғояларни ҳақиқатга айлантираётган
УЛУҒ ЕТАКЧИ, МИЛЛАТ САРДОРИ атрофида бирлашишимиз лозим.
Шунда бундан-да юксак довлонларга биргаликда кўтарилажамиз.
Мен бунга ишонаман.**

3

Қасаба уюшмалари фаолияти РАҚАМЛАРДА

Жорий йилги болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлашти-
риш мавсумида **1 минг 634 та оромгоҳ** фаолият кўрсатди
ва уларда **278 минг 275 нафар** бола соғломлаштирилди.
Шундан, **200 та** стационар турдаги оромгоҳда **114 минг
439 нафар** ва **1 минг 434 та** соғломлаштириш майдонча-
ларида **163 минг 836 нафар** бола дам олдирилди.

Келгуси сонларда ўқинг...



Ўзимизнинг Алпомиш



Ўзумчиликда хориж
дорисига муҳтожмиз(ми?)



Етакчи қандай
бўлиши керак?



Чўл бағридаги
бунёдкорликлар

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлида

«1 Жорий йилнинг 16-17 сентябрь кунлари Қозоғистон қасаба уюшмалари Федерацияси делегацияси Тошкент шаҳрига ташриф буюрди. Дўстона ҳамкорликнинг амалий натижаси бўлиш мазкур ташрифдан кўзланган мақсад – Қозоғистон ва Ўзбекистон қасаба уюшма марказлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда турли тармоқлар ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, маданий-оммавий ишлар, соғломлаштириш ва дам олишни ташкил этиш каби масалаларда ўзаро тажриба алмашиш ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш борасида келгусидаги йўналишларни белгилаб олишди.

Қозоғистон қасаба уюшмалари Федерацияси делегацияси вакиллари ташриф давомида мамлакатимизда давлат, қасаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида ижтимоий шериклик ва ижтимоий мулоқотни ривожлантириш, бу орқали кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш йўналишларида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар билан яқиндан таништирилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг Қозоғистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Сатибалди Даулеталин раҳбарлигидаги делегация вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув давомида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов меҳмон-

ларга Президентимиз томонидан инсон манфаатларини таъминлаш мақсадида барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг ижобий натижалари, хусусан, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги улкан ўзгаришлар ва янгиланишлар, уларнинг аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилаётгани тўғрисида батафсил маълумот берди. Айниқса, Марказий Осиё минтақасида янги тамойилларнинг кучга киргани, кўп йиллардан бери мавжуд бўлган қатор муаммолар ҳал этилиб, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатлар ривожлангани ҳамда ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш имкониятлари яратилганига алоҳида ургу берилди. Хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг тобора ривож топиб бораётгани, шунингдек, икки мамлакат қасаба уюшмалари ўртасидаги алоқалар мустақамланиб, янги босқичга кўтарилаётгани қайд этилди.

Шундан сўнг Қозоғистон қасаба уюшмалари Федерацияси делегацияси вакилларида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг устувор йўналишлари, мазкур йўналишларда олиб борилаётган тизимли ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди. Таъкидланганидек, бугун Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси 14 та тармоқ қасаба уюшмаси, 14 та ҳудудий қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва 6 миллионга яқин қасаба уюшма аъзосини бирлаштирмоқда. 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги қо-

нунининг қабул қилингани жуда катта воқелик бўлди. Мазкур қонун билан қасаба уюшмаларининг меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги ваколатлари кенгайгани, хусусан, қасаба уюшмаларининг меҳнат инспекциялари тузилгани, тадбиркорлик, хусусий мулк устуворлиги шароитида меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини самарали муҳофазалаш имконияти кенгайгани қайд этилди.

Республикаимизда давлат, қасаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги конструктив ҳамкорлик натижасида Бош келишув, тармоқ ва ҳудудий келишувлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда эса жамоа шартномаларини тузиш амалиёти йўлга қўйилгани таъкидлаб ўтилди.

Бош келишув асосида бугунги кунда мамлакатимизда тармоқ ва ҳудудий келишувлар, бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари амал қилаётганига эътибор қаратилди. Мазкур локал ҳужжатларнинг барчаси ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган комплекс тадбирларни ўз ичига олган. Ўзбекистон қасаба уюшмалари мазкур локал ҳужжатларга мувофиқ ходимларнинг реал даромадларини босқичма-босқич ошириш, меҳнат бозорида талаб мавжуд бўлган кадрларни тайёрлаш тизимини кенгайтириш, иш билан банд бўлмаган аҳоли вакиллари қасбга ўқитиш ва қайта ўқитиш ишларида ҳамкорлик кўрсатишмоқда. Шунингдек, Қасаба уюшмалари Федерациясининг дастурий ҳужжатларига кўра, ижтимоий ҳи-

мояталаб қатламларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашга қўмаклашиш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, жисмоний имконияти чекланган болалар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари, иш берувчилар билан ҳамкорлик қилиш йўналишларида тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Меҳмонларга шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимида 24 та санаторий, 1 та дам олиш маскани, 23 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжудлиги, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш қасаба уюшмаларининг доимий диққат марказида экани тўғрисида маълумот берилди. Федерация қошидаги Юридик клиника ҳамда унинг тизимида йўлга қўйилган аҳоли билан Қайта алоқа механизми фаолиятига ҳам тўхталиб ўтилди.

Шундан сўнг меҳмонлар Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Юридик клиникаси ва Қайта алоқа механизми, тизимдаги санаторийлар фаолияти билан бевосита танишдилар.

Қозоғистон қасаба уюшмалари Федерацияси делегацияси ташрифи давомида икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Хусусан, икки мамлакат қасаба уюшмалари ўртасида ҳамкорлик Меморандумини имзолаш, жамоатчилик назоратининг шакли ва услубларини

ривожлантиришда икки томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш, тажриба алмашиш ва самарали ҳамкорлик қилиш масалаларига алоҳида тўхталинди.

Ўз навбатида, Қозоғистон қасаба уюшмалари Федерацияси делегацияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан мамлакатда олиб борилаётган бугунги ўзгаришлар Янги Ўзбекистоннинг янги тарихини бошлаб бергани, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда юз бераётган улкан янгиланишлар Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти билан том маънода интеграциялашувини таъминлаётганини эътироф этдилар.

Делегация аъзолари Ўзбекистон қасаба уюшмалари фаолиятидаги илгор тажрибалардан ўрганилиши лозим бўлган жиҳатларнинг кўп эканини таъкидлаб, хусусан, санатор-курорт муассасалари тизимини такомиллаштириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликни ривожлантириш соҳаларида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тажрибасини ўрганиш истагида эканликларини билдирдилар.

Тадбирдан сўнг меҳмонлар учун Тошкент ва Самарқанд шаҳридаги диққатга сазовор масканлар бўйлаб саёҳат уюштирилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари



ХАЙРЛИ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР ҲОСИЛАСИ

«1 Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда юқоридаги танловларда иккинчи ва учинчи (биринчи ўрин соҳиблари 11 ноябрь – Қасаба уюшмалари кунда тақдирланади) ўринларга муносиб кўрилганлар мукофотланди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг махсус комиссия қарорига биноан «Энг яхши маҳалла раиси» номинациясида иккинчи ўрин Учтепа тумани «Бекобод» МФЙ раиси Содиқ Жалоловга, учинчи ўрин Мирзо Улуғбек тумани «Дархон» МФЙ раиси Саттор Юлдешевга насиб этди.

– Камтарона меҳнатларим эътироф этилиб, беш миллион сўм пул мукофоти билан тақдирландим, – дейди Содиқ Жалолов. – Шақсиз, бизга берилаётган рағбат ўз ҳудудимиздаги хотин-қизларнинг муаммоларини бартараф этишда янада фаол бўлишга ундайди.

«Энг яхши сектор раҳбари» танловида Олматор тумани прокурори, 2-сектор раҳбари Ойбек Манноповга иккинчи, Учтепа тумани ички ишлар бошлиғи, 3-сектор раҳбари Абдусодиқ Абдураззоқов ҳамда Мировод тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, 4-сектор раҳбари Дилшод Усмонов учинчи ўринга лойиқ кўрилди. Ғолибларга ўн ва беш миллион сўмдан пул мукофоти берилди.

«Энг намунали аёл иш берувчи» йўналишида Учтепа тумани «Spartak invest plus building» МЧЖ раҳбари Гулчехра Умбаркулова, Янгиҳаёт тумани «Отпихон qisq baraka» оилавий корхонаси раҳбари Маҳмуда Содиқовага иккинчи ва учинчи ўрин учун белгиланган пул мукофотлари топширилди.

– Қасаба уюшмалари Федерациясининг кўмаги билан корхона фаолиятини янада кенгайтирдик ва бунинг натижасида кўплаб ишчи ўринлар яратилди, – дейди «Spartak invest plus building» МЧЖ раҳбари Гулчехра Умбаркулова. – Маҳалламиздаги кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож аёлларни ишга олдик. Шукур, меҳнатларимиз бесамар кетмапти. Энг муҳими, камтарона қўлловимиз билан корхонамизда фаолият юритаётган хотин-қизларнинг ҳаёти секин-аста изга тушмоқда.

Тадбирда «Аёллар маслаҳат кенгаши»нинг фаоллари ҳам тақдирланди. Хусусан, Мирзо Улуғбек тумани «Катта қорасув» маҳалласи «Аёллар маслаҳат кенгаши» раиси Севара Мамажоновна, Мировод тумани «Зиёмур» маҳалласи «Аёллар маслаҳат кенгаши» раиси Раънохон Жалоловалар эллик миллион сўм пул мукофоти соҳибасига айландилар.

Байрамона ва кўтаринки руҳда ташкил этилган мазкур анжуманда ёнги мавсум давомида жонбозлик кўрсатган оромгоҳлар, энг яхши маъсул ташкилотчи ва энг намунали бошланғич ташкилотлар ғолиблари ҳам аниқланиб, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Ғулмўжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

Сарҳисоб

Аъзолар ишончи оқланяптими?



Маданият, спорт ва туризм ходимлари қасаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси ташкил топганига яқинда бир йил тўлади. Ўтган даврда қўмита томонидан амалга оширилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Буни фаолиятга ичдан назар ташлаганда яққол кўриш мумкин.

Фарҳоджон Имомназаров Қўқон шаҳар маданият бўлимида кўп йиллардан буён қоровул бўлиб ишлайди. Тўғриси айтганда, ўтган йиллар давомида қасаба уюшма аъзоси бўлиб, бирор наф кўрмаган эди. Тармоқ қасаба уюшмаси ташкил этилгач, у чин маънода қасаба уюшма аъзоси эканини ҳис эта бошлади. Унга қўмита томонидан саломатлигини тиклаш учун «Чимён санаторийси»га бепул йўлланма берилди.

Бу каби бепул йўлланмалардан Фарғона шаҳар 1-БЎСМ директори Бахтиёр Ҳошимов, Қўқон мусиқали драма театри ходими Жўраҳон Пўлатов ҳам баҳраманд бўлди. Умуман олганда, қўмита тақдим этган мана шундай бепул йўлланмалар орқали етти нафар қасаба уюшма аъзоси сўлим сыхаттоҳларда ҳордиқ чиқарди.

– Қўмита янги ташкил этилганда аъзолар сони 6 минг 500 нафар эди, – дейди Маданият, спорт ва туризм

ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича маъсул ташкилотчиси Манзурахон Акрамова. – Ҳозирги кунда 100 та бошланғич ташкилотда аъзолар сони 7 минг нафарга етди, Айни чоғда сафимизни янада кенгайтириш, шунингдек, аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, ҳар бир аъзонинг қасаба уюшмаси ғамхўрлигини ҳис қилиши учун астойдил ҳаракат қилляптимиз.

Ички туризмни ривожлантириш мақсадида шу кунгача 130 нафарга яқин қасаба уюшма аъзоси Хоразм, Самарқанд, Наманган, Тошкент каби шаҳарларга саёҳатларга олиб берилди. Бундай саёҳатларнинг барчаси бепул амалга оширилди.

Шунингдек, тармоқ тизимида меҳнат қилиб келаётган 81 нафар ишчи-ҳодим имтиёзли йўлланмалар билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари тасарруфидаги санаторийларда саломатлигини мустақам-

лаб қайтди. Уларнинг 7 нафари ушбу сыхаттоҳларда бепул ҳордиқ чиқарди.

Шу кунгача ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд 180 нафар қасаба уюшма аъзосига моддий кўмак кўрсатилди. Бундан ташқари, ходимларнинг 46 нафар фарзанди ёнги мавсумда «Нихол», «Хумо», «Чақмоқ», «Автомобилчи», «Ёшлик», «Қоинот», «Нилуфар» сингари болалар оромгоҳларида таътилни мароқли ўтказдилар.

Спорт билан шуғулланиш инсонни жисмонан бақувват қилиш билан бирга, меҳнат умумдорлигини оширишга ҳам хизмат қилади. «Спортни сев – спорт билан яша» шиори остида шахмат-шашка, минифутбол, югуриш, арқон тортиш, волейбол мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Қўтимизда нишонланадиган байрамлар олдида «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида мусобақалар ўтказиш эса доимий анъанага айланган.

Кези келганда, қасаба уюшмалари ўртасида ўтказиб келинаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида тармоқ ташкилотлари фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур кўрик-танловнинг вилоят босқичида аъзолари сони 100 нафаргача бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасида биринчи ўрин Фарғона шаҳар 1-БЎСМга, аъзолари сони 100 нафардан ортиқ бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасида ғолиблик Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали бошланғич қасаба уюшма ташкилотига насиб этди.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги ва янги ўқув йилининг бошланиши арафасида қўмита томонидан тармоқ қасаба уюшмасида меҳнат қилаётган 170 нафар кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ходимларнинг фарзандлари учун 34 миллион сўм миқдорда ўқув қуроллари олиб берилгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Муҳтасар айтганда, ҳар бир ходимни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишончини оқлаш қўмитанинг асосий фаолиятига айланган.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,
«ISHONCH»



Наманган вилояти

Долзарб мавзу

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг вилоят бошқармасида халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари иштирокида «Ўзбекистонда мавсумий ишчиларни адолатли ишга ёллаш» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

МАВСУМИЙ ИШГА ЁЛЛАШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Худуддаги мавжуд пахта кластерлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари қатнашган ушбу семинарда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши мутахассислари йғим-терим мавсумида ишчиларни адолатли ишга ёллаш масаласида сўз юритди.

Шунингдек, мавсум давомида ишчиларга муносиб меҳнат шартлолари яратиш, вақтида маош олишини таъминлаш, ишчиларнинг соғлиғига хавф туғдирувчи омилларга йўл қўймаслик бўйича видеоконференцалоқа орқали халқаро экспертларнинг маърузалари тингланди.

Қонунчиликка мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлмаганларни пахта теримига жалб этиш тақиқланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, йғим-терим мавсумида ишга ёллашда мажбурий меҳнат хавфининг олдини олиш учун, энг аввало, маҳалла, корхона, ташкилотлар орқали ишга жалб қилишдан қочиб, меҳнат шартлолари ҳақида ёлгон маълумот бермаслик, теримчилар пахтага чиқмаган тақдирда, бирор таҳдид ва оқибатлар билан кўрқитишдан тийилиш зарур.

Зотан, бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали фуқаронинг ихтиёрига ҳилоф равишда талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизмат – мажбурий меҳнат саналади.

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»



Сурхондарё вилояти

Фаолият

САНГАРДАК чеварлари сафи кенгаймоқда

Сурхоннинг олис қишлоқларидан бири бўлган Сангардақда 2019 йилда иш бошлаган, тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Сангардак чеварлари» корхонасида ишловчи хотин-қизлар учун барча шароит муҳайё.

– 10 йилдан буён ишсиз эдим. Оиламиз ҳам иқтисодий жиҳатдан қийналиб турганди. Ишга мен билан бирга онам ва синглимни ҳам қабул қилишгани айни муддао бўлди. Ҳаммамиз бирдек севиндик. Изтироб чекишларга ўрин қолмади, – дейди тикувчи М.Асомиддинова.

Мазкур корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ички бозорда сотилмоқда. Келгусида хориж давлатларига экспорт қилиш ҳам кўзда тутилган.

– Тикувчиликни орзу қилиб келган аёлларни 2 ойлик махсус курсларда корхона ҳисобидан бепул ўқитдик. Улар ўқиб жараёнида енгил ва мураккаб моделлар бўйича қўникмаларини бойитишди. Байрамларда бир ойлик иш ҳақи миқдоридан мукофот, туғилган кунларда совға-саломлар билан рағбатлантириш йўлга қўйилган. Корхона маъмурияти билан тузилган жамоа шартномасига кўра, ишловчи хотин-қизларимизга кўрсатилаётган



ижтимоий ёрдамларимиз сони 50 тага етди. Йил бошидан буён «Аёллар дафтери»да ҳисобдан турган 30 нафар хотин-қизни ҳам муқим иш билан таъминладик, – дейди корхона қасаба уюшма етакчиси Саъдулло Маҳмудов. – Келгусида ишловчи аёллар сонини минг нафарга етказишни режалаштирганмиз.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

Йўловчи бир манзилга етиб, бир нафас тин олар экан, ортга боқиб, юрган йўлини сарҳисоб этади. Кўрган манзараларини, воқеликларни таҳлил қилади, хулоса ва ҳикматлар чиқаради.

Инсон умрини ҳам йўлга менгзаш мумкин. Умр йўлларининг гоҳ машаққат сўқмоқлари, гоҳ роҳат манзиллари бор.

Мен айна лаҳзаларда, чораги кам бир асрлик умр йўлларимда шундай хулосага келмоқдаманки, Ватаннинг бир парчаси бўлган инсоннинг умр сўқмоқлари унга туташ, тақдири у билан боғлиқ экан. Айниқса, хизматини эл билан боғлаган инсоннинг тақдири ҳам, йй-фикрлари ҳам юрт тақдирига уйғун кечар экан.

Мен Ватаннинг муаззам бир бўлаги, таъбир жоиз бўлса, юраги бўлган азим Тошкентда туғилиб, вояга етдим. Хизмат тақдирим шу кентга, шу элга боғланди. Турли идораларда, бошқарув нуқталарида ишладим. Шу сабаб азим шаҳарнинг дардини, ютуғини тегранроқ англадим.

Бугун умрнинг яна бир довонида ортга боқиб, салкам ярим аср давомида Тошкентнинг не-не қувонч, не-не ташвишларига шерик бўлганимни кўрмоқдаман. Қувончлиси шуки, айна дамда бошкентимизнинг янги довони барчасидан баландроқ ва мухташамроқдир.



Ҳадича АТАМАТОВА,
сиёсатшунос,
«Дўстлик» ордени
соҳибаси

Бу кунлар шукуҳи

Бу – ҳақиқат. Одамлар кўз ўнгида рўёбга ошган ва ошаётган ҳақиқат. Уни фақат англаш, тафаккур қилиш керак.

2

Бундан ўн йиллар олдин уйимизга узоқ бир вилоятдан меҳмон келди. Эрталаб нонуштадан сўнг унинг берган саволи мени фавқуллодга эсанкиратиб қўйди:

– Телевизорда кўрсатадиган Тошкент қаерда?

Ана шу саволдан кейин бу ҳақда кўп мулоҳаза юритдим. Атрофни кузатдим. Меҳмоннинг айтганича бор эди. Телевизорларимиз фақат «жаннатдан хабар» берарди. Ҳолбуки, азим кентнинг бир неча диққатга сазовор жойларини айтмасангиз, кўздан пана қисмларида ниҳоятда хароб жойлари, абгор оилалар ҳам йўқ эмасди.

Бошкентимизнинг ички муаммолари, одамларнинг дарду ташвишлари кун сайин кўпайиб бораётган эди. Инфратузилма тармоқлари эскирган, ички кўчалар абгор ҳолга келиб бўлганди.

Мен ҳозир бу ҳақда сўзламоқчи эмасман. Балки унинг бир жиҳати – азим кентимизнинг аёллар билан боғлиқ муаммолари хусусида тўхталмоқчиман, холос.

Яқинда ташкил этилган ҳаётбахш ҳаракат – «Аёллар дафтари»дек дунёда ўхшаши йўқ тизим нафақат республикамизнинг, балки пойтахтнинг «боғланган яра»ларини очиб юборди. Яраларки, йиллар давомида бир имдодга муҳтож, аммо малҳам кўрмаган дардлар эди.

Кўплаб оилалар, айниқса, аёлларнинг дардига дармон излаб қилинган бу эзгу ишларнинг самарасини мен бир аёлнинг Президентга ёзган мактубидagi иқрори мисолида келтирмоқчиман.

Пойтахтда яшовчи Гулбаҳор Шарипова шундай ҳикоя қилади: «Ёшлигимда оёғимдан операция бўлганим боис 2019 йилга келиб, ҳаракатланишга қийнала бошладим. Бора-бора умуман юролмай қолдим. Бир томонда оғир дард, бир томонда вояга етмаган фарзандларнинг ғам-ташвиши... Мутасаддиларнинг саъй-ҳаракати билан аввал «Темир дафтар», кейин «Аёллар дафтари»га рўйхатга олиндим. Уларнинг ташаббуси ва кўмағида тиббий кўриқдан ўтдим ва оёғим операция қилинди. Минг қатла шуқр, ҳозир ўзим юрляман.

Рўзгор ташвишлари билан бўлиб, бирор марта ўзимга тузукроқ қарай олмаганман. Қачон янги либос олиб кийганимни ҳам эслай олмайман. Ўзимни ўққа-чўққа уриб, топган пулларим дори-дармондан, болаларнинг еб-ичишидан ортмаган. Фарзандларим тенгқурлари каби хоҳлаганини еб, хоҳлаганини қия олмас, чуңки бунга қўрбимиз етмасди.

Аммо бугун вазият ўзгарди. Яхшилар кўмағи билан бизнинг хонадонга ҳам фэйз кирди. Юзимизга табассум инди».

Бу ҳаётбахш ташаббус – «Аёллар дафтари»нинг биргина меваси. Ҳолбуки, бугун Тошкентда бундай кўмақдан ўз ҳаётини янгитдан йўлга қўйган минглаб аёллар тақдирини мисол қилиб келтириш мумкин.

Мен кўп йиллар пойтахтнинг масъул лавозимларида ишлаган инсон сифатида аёлларга бугунги кундагидек, эътиборни кўрмаганман десам, муболага бўлмас.

Тўғри, аёлларни ҳар доим улуғлар эдик. Аммо бу фақат тилда эди. Уларнинг авжи эса ҳар йили 8 март байрамида телевизорда аёлларни мадҳ этувчи куй-кўшиқлар билан ўтарди. Ана шундай тадбирларни бир даста гулу куруқ мактов билан ташкил этишга мажбур эдик десак, айна



1

Яқинда Хивага бориб келдим. Саёҳатга. Бугун ва ўтмиш ҳикматлари таъсирида қайтар эканман, Тошкент қўналғаси теграсидаги ҳолатдан кўнглим янада мутаассир бўлди.

..Учоғимиз кўниши олдидан ойнадан пастга қарадим. Шаҳар узра пастлаб борар эдик. Умуман янги шаҳар, янги уйлар, йўллар кўзга ташланарди. Биз пойтахтнинг янги тумани – Янгиҳаёт осмонида эдик.

Шу лаҳзаларда мен шаҳримиз жуда тез ўзгариб ва кенгайиб кетгани ҳақида ўйлардим.

Кейин қизиқиш устун келиб, атайлаб Янгиҳаётга айланишга бордим. Бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Гўё янги бир шаҳар барча инфратузилмаси билан бирга бунёд этилгандек. Йўллар, мактаблар, метро ишлаб турибди. Ҳаёт гавжум...

Муҳими, бу уйларда қанчадан-қанча оилалар эркин яшамокда. Ўз уйи, ўлан тўшагига эга. Улар ўз уйларининг қадрини жуда яхши билишди...

Янгиҳаётдан қайтар эканман, хаёлимдан кечаги кунлар ўтар эди. Ўзим гувоҳ бўлган воқеалар кўз ўнгида гавдаланарди. Юнусобод тумани ҳокимиятида ишлаган кезларим мушкул вазиятдаги бир аёлга уй-жой бериш масаласида жуда катта қийинчиликларга дуч келганимни эсладим.

Битта бир хонали уй учун бутун шаҳар бўйлаб мурожаат қилинмаган жой қолмаган, масаланинг ечими эса асаббужарлик ва вақт талаб этганди... Чуңки уйнинг ўзи йўқ эди. Ҳолбуки, салкам йигирма беш йил шаҳарда ўй қурилмади. Қурилгани ҳам ўзига тўқлар учун эди. Оддий аҳолининг қурби етмасди.

..Мен ҳаётим давомида Тошкентда иккинчи марта ниҳоятда катта бунёдкорликларни кўрмоқдаман.

Биринчиси, 1966 йилги Тошкент зилзиласидан сўнг улкан қурилиш майдонига айланган шаҳар манзаралари ҳамон кўз ўнгимда гавдаланади.

Ўшанда биз ёш ўсмир йигит-қизлар унинг қанчалик маҳобатли бўлаётганини англамаганмиз. Гўёки, шундай бўлиши керакдек қабул қилганмиз.

Кейинчалик айнан шаҳарнинг масъул идораларида ишлар эканман, бир бинони бунёд этишни-ку қўяверинг, бир ғиштни у жойдан бу жойга олиб қўйиш ҳам улкан заҳматлар эвазига бўлишини кўрдик. Бунинг учун қанчадан-қанча тортишувлар, фидойиликлар ётганини тушуниб етдик.

Очиғини айтганда, ўшандан сўнг Тошкент ярим аср давомида бундай бунёдкорликни кўрмади. Тўғри, истиқлол йилларида бир неча мухташам иморатлар қад ростлади. Аммо фақатгина шаҳар хуснига хусн қўшган бу бинолардан халқ бебаҳра эди.

Бу орада шаҳар аҳли кўпайиб борар, тураржойлар бунёд этиш ҳақида эса ҳеч ким ўйламасди. Натижада, ижаралар нархи ҳам ошиб борар, аксарият аҳолининг асосий ўйи уй бўлиб қолганди.

Бир ҳовлида ўнлаб оиланинг рўйхатда туриши, яшаши, бир хонали уйда ака-ука оиласи билан, ҳатто, ўртадан парда тутиб истиқомат қилгани, ота-она ўз уйини бўшашиб, келин туширганини ёки эндигина мустақил ҳаёт остига қадам қўйган ёш оиланинг ижарама-ижара сарсон бўлиб юрганларига ҳаммамиз гувоҳ бўлганмиз...

Мен айна дамда Тошкентда қурилаётган уйлар, бунёд этилган янги массивларнинг саноғини билмайман. «Тошкент сити»ни айтмай қўя қолай. Шаҳарнинг ҳар бир туманида янги «сити»лар бунёд этилди, этилмоқда. Улар ҳам ўз эгаларини топиб бормоқда. Балки, аҳолининг уй муаммоси тўла барҳам топмагандир, аммо шуниси муҳимки, давлат масала ечимига жиддий киришган. Бу

ниҳоятда улуғ ишдир.

Бир вақтлар бирга ишлаганимиз, бугун нуфузли идоранинг раҳбари бўлган қадрдон ҳамкасбимнинг айтишича, кейинги беш йилда ўтган асрнинг 60-70 йилларидаги бунёдкорликлардан етти-саккиз баробар кўп ишлар амалга оширилибди.

Нуқтаи назар

Ренессанс – ўйғониш демакдир. Бугун биз ана шундай қутлуғ бир даврда – дунёга Янги Ўзбекистон номи билан танилаётган муқаддас заминда Учинчи Ренессансга пойдевор қўйилаётган замонда яшамокдамиз.

Минтақамиз худудиди бўлган икки Ренессанс даврида ҳам илм ниҳоятда қадрланган эди. IX-XII асрларда – Биринчи Шарқ Уйғониш даврида юзлаб буюк алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирлар етишиб чиққан. Уларнинг ақлу закоси умумбашарият тараққиётига мислсиз ҳисса қўшган. XIV-XVI асрлардаги тарихда – «Темурийлар Ренессанси» дея ном олган даврда ҳам илм ниҳоятда қадрланган.

Агар кейинги йилларда маърифат, таълим ва илм-фанни ривожлантириш йўлида имзоланган қонун, фармон ва қарорларни, илгари сурилаётган эзгу ташаббуслар мағзини тўла қақиб кўрсак, Ўзбекистонда Янги Маърифат Ренессансига мустаҳкам тамал тоши қўйилаётганини англаймиз. Илм аҳлига қаратилаётган эътибор ва рағбатнинг босқичма-босқич ошириб борилаётгани эса пойдеворнинг янада пишиқ бўлишига ишорадир.

Маҳаллийчиликка йўймангу, аммо, мамлакатимиздаги Учинчи Ренессанс пойтахти Тошкент бўлажак!

Бу туйғу инсонга жуда катта ифтихор бахш этади, албатта.

4

Учинчи Ренессанс ҳақида сўз кетар экан, хаёлимга уни амалга оширишга чоғланган аждодларимиз, миллатдошларимиз келади. Ҳа, гап нима ҳақда эканини англадингиз. Ўтган асрда қатағон бўлган маърифатпарвар аждодларимиз.

Кўп йиллар Юнусобод туманида хизмат фаолиятида бўлганим боис, мазкур туманда амалга оширилган энг юксак ишлардан бири сифатида Шаҳидлар хотираси хиёбонидаги ўзгаришларни юксак қадрлайман.

Яқинда яна бир бор ушбу зиёратгоҳни айландим. Улкан ишлар бўлибди.

Бу – бизнинг тарих. Аждодларимизнинг буюклиги, миллатпарварлиги нишониди. Айна шу йўналишдаги ишларнинг давом эттирилаётгани эса юртимизда миллат ва инсон шаънининг улуғланаётгани далилидир. Қаранг, яқинда Ўзбекистон Олий суди томонидан 115 нафар қатағон қурбони оқланди. Орадан қарийб юз йил ўтиб адолат қарор топди.

Мен айна пайтда буларни нега ёзмоқдаман? Биласизми, миллат қачон улуғ бўлади? Ўзлигини таниса, ўтмишини билса, аждодлари билан фахрланса!



5

Гап ўзани юртдаги ўзгаришлар ҳақида борар экан, бир туйғуни – шуқрни эсламоғимиз керак, деб ўйлайман.

Энди шу жойда ҳар биримиз ўзимизга савол бериб кўрайлик: қанча янгиланишлар, бунёдкорликлар ва ислохотларнинг гувоҳи бўлдик?

Ўзим мисолима айтадиган бўлсам, бир умр мафкура тизимида, давлат хизматлари соҳасида ишлаб, инсон манфаатлари бу қадар юксак кўтарилганини эслолмайман.

Бу гапларни нега ёзяман? Ижтимоий тармоқлардаги (тан олиш керак, улар ҳам жамиятнинг бир кўзгуси) турли фикрлар, жумладан, «нима ўзгарди?» деган саволларга нисбатан жавоб бергим келди.

Яқинда ўзим гувоҳи бўлган воқеадан қаттиқ таъсирландим. Гап шундаки, мамлакатда ижтимоий аҳволи ночор оилаларга 500 минг сўмдан ёрдам кўрсатилди. Уларни тақсимлаш жараёнида маҳалламиз идорасида бир аёл жанжал бошлаб қолди: эмишки, унга ёрдам берилмабди. Ҳолбуки, оиласи ўзига тўқ эди. Воқеа устига келиб қолган турмуш ўртоғи унга танбех оҳангиди, «сенга нима етишмаяпти? Шуқр, ҳамма нарсамиз бор-ку», деб уни олиб кетди. Аёл эса «ҳаммага берилаяпти-ку», дея ҳамон жаврарди.

Мен ўша аёлни айблаш фикридан йироқман, албатта. Аммо жамиятда ҳамон боқимандилик қайфияти борлиги кишини ранжитида.

Айтмоқчи бўлганим шуки, атрофга тегранроқ назар солайлик. Кейинги беш йилда ҳаётимизда тарихий ўзгаришлар юз берди. Муҳими, эзгу ишлар тизимли давом этмоқда. Мана шуни англасак, бас.

Янги Ўзбекистондаги энг улуғ ишларда мен шундай ҳикматларни кўрдим. Улар билан фахрландим. Гарчи ёшим улғайиб бораётган бўлса-да, қонимда ўзгача жўшқинлик – бунёдкорлик туйғуларини сезмоқдаман. Ватаннинг юксак доволарини кўрмоқлик бахтига етганимизга шуқр! Ва яна шуни айтмоқчиманки, Янги Ўзбекистонни барчамиз биргаликда бунёд этамиз. Бунинг учун эса эзгу ғояларни ҳақиқатга айлантираётган улуғ етакчи, МИЛЛАТ САРДОРИ атрофида бирлашишимиз лозим. Шунда бундан-да юксак доволарга биргаликда кўтарилажакмиз. Мен бунга ишонаман.

